*ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИГА*

# КОММУНИСТЛАР, ДАВР ВА ТАЛАБ

## ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ҚАЙТА ҚУРАЙЛИК

ЎТГАН йили Тошкент кечки марксизм-ленинизм университетида КПССга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш бўйича семинар ўтказилган эди. Унда район партия комитетларининг, йирик партия ташкилотларининг секретарлари, масъул ходимлар қатнашдилар. Семинарда партияга қабул бўйича кўпгина эътиборли ва ўринли танқидий мулоҳазалар билдирилди. Юқори партия органлари вакиллари уларни амалга ошириш юзасидан мулоҳазаларини баён этдилар. Ўшандан бери орадан анча вақт ўтди. Лекин семинарда билдирилган таклифлар афсуски протоколларда қолиб кетди.

Энди гапдан амалий ишга ўтиш вақти келди. Партияга қабул қилишда мавжуд бўлган турли чегараларни йўқотиш керак. Бундай чегаралар партия сафларини мустаҳкамлашдан кўра миқдор ўсишига кўпроқ таъсир қилмоқда. Партияга кирувчининг ишчанлик, сиёсий фазилатлари, оиладаги юриш-туришини яхши ўрганмай туриб шошма-шошарлик билан КПССга қабул қилиш ҳоллари юз бермоқда.

Сир эмас, бундай ҳоллар ўзимизда ҳам бўлди. Биз инженер Б. Сиддиқовни КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилган эдик. Ўшанда унинг характеридаги айрим камчиликлар кўрсатилди, ишда ўзгариш ясаш тавсия этилди. КПСС сафига қабул қилиш вақтида Б. Сиддиқов кандидатликка ўтиш даврида айтилган мана шу камчиликларни қандай бартараф этганлиги текширилди. Маълум бўлишича, оилавий ҳаёти нотинч экан. Уйда жанжаллар бўлиб тураркан. Бунга айбдор Б. Сиддиқовнинг ўзи эди. Партия комитетидан комиссия тузилиб кандидатнинг оилавий ҳаёти ўрганилди. Шунда бор ҳақиқат юзага чиқди. Партия комитети Б. Сиддиқовнинг КПСС аъзолигига кандидатликдан партия сафига ўтиш ҳақида берган аризасини қайтарди.

Шошма-шошарликнинг хунук оқибатини яна бир мисолда кўриш мумкин. 6-автокорхона бригада бошлиғи Р. Григорян КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинган эди. Лекин орадан кўп ўтмай у сафдан чиқарилди. Р. Григорян давлат қурилишига ажратилган бир машина бетонни қўшнисига «ҳадя» этган эди. Биз Р. Григорянни ҳар томонлама синамаган эканмиз. Фақат ишлаб чиқаришдаги ютуқларига маҳлиё бўлиб қолибмиз.

Партияга қабул қилишда одатда ишчиларга кўпроқ ўрин берилади. Бу, табиий, албатта. Азалдан партиямиз ядросини ишчилар синфи вакиллари ташкил этиб келган. Лекин биз онгли ишчилар ҳисобига сафларни тўлдириб бориш устида кам қайғураяпмиз. Ишчи бўлса, бас, партияга қабул қилаверамиз. Натижада етарли тайёргарликка эга бўлмаган, сиёсий онги паст кишилар ҳам партияга кириб қоляпти. Ишлаб чиқаришга муносиб таъсир эта олувчи ўрта бўғин командирлари, инженер-техник ходимлар эса эътибордан четда қолмоқда. Бу эса кадрлар резервини ташкил этишга салбий таъсир кўрсатаяпти.

*ПАРТИЯ ТУРМУШИ*

КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш юзасидан муҳим йўналишлар берилди. Янги талаблар асосида биз кадрларнинг билими, ташкилотчилиги, одамлар билан ишлай олиши каби томонларини обдон синаб, ўргангандан кейингина партияга қабул қилаяпмиз.

Чилонзор район партия комитети КПСС сафига муносиб кишиларни қабул қилиш, сафлар мустаҳкамлигини ошириш мақсадида бир ташкилотда икки йилдан кўпроқ вақт ишлаган кишиларни партияга қабул қилишни тавсия этди. Биз ҳам шу йўлдан бораяпмиз. Партияга тасодифан, ғаразли мақсадлар, мансаб учун кириб қолувчиларга олдиндан тўсиқ қўймоқдамиз.

Бошқармамиз партия ташкилотида 403 коммунист ва 15 КПСС аъзолигига кандидат бор. Биз коммунистларнинг ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларидаги активлигини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар тузиб амалга оширмоқдамиз. Кейинги пайтларда партия аъзолари билан бир қаторда КПСС аъзолигига кандидатларнинг синов муддатини қандай ўтаётганликлари, КПСС Устави талабларини қандай бажараётганликлари ҳақидаги ҳисоботларини тинглаш анъанага айланиб қолди. Бу йил уч кишининг ҳисоботи тингланди.

Яқинда бошқармамизда коммунистларни аттестациядан ўтказиш бошланади. Партия комитетида бу муҳим ишни юксак талаблар даражасида олиб бориш чоралари кўрилмоқда.

КПССга қабул қилиш ва коммунистларни тарбиялаш ишини яхшилаш масаласи қисқа муддатли кампания бўлиб қолмай доимий ва жонажон ишимизга айланади. Бу борада юқори партия органлари ҳар томонлама ёрдам беришлари, шароит яратишлари ҳам зарур.

Комиссиябозликларга чек қўйиш вақти келди. Ҳар хил текширувлар ишимизга ҳалал беряпти. Партиявий-ташкилий ишларни яхшилаш ўрнига комиссияларни кутиб олиш ва уларга бир нарса ҳақида қайта-қайта гапириб бериш, справкалар ёзиш билан вақтимиз ўтаяпти. Масалан, ўтган йили майда-чуйда текширувларни ҳисобга олмаганда юқори партия органларидан 11 та комиссия келди. Уларнинг ҳар бири икки-уч кундан то икки ҳафтагача вақтимизни олди. Шуниси қизиқки, ҳар бир комиссия 20 талаб савол рўйхатлари, жадвалларни тақдим этишади. Справка ёзиб беришлар майли, лекин жадвалларни тўлдиргунча баъзан ўн кунлаб овора бўламиз. Баъзи саволлар, жадваллар бир неча комиссия ишида такрорланади. Комиссиялар ишлари тартибга солинса партиявий-ташкилий ишлар савиясини ошириш, КПССга қабул ва коммунистлар тарбияси масалалари билан янада жиддийроқ шуғулланиш имкони яратиларди.

Биз ўз фаолиятимизга ҳамиша танқидий кўз билан қарашимиз керак. Чунки ишимизда камчиликлар оз эмас. Партияга қабул ва партия сафларини мустаҳкамлаш юзасидан йўл қўйилган камчиликларимиз КПСС Марказий Комитетининг яқинда қабул қилган қарорида алоҳида кўрсатиб ўтилди. Бошқармамиз цех партия ташкилотлари ва партия группаларида қарор ҳар томонлама пухта ўқиб-ўрганилмоқда. Бундан буёнги фаолиятимизни қарорда қўйилган янги талаблар асосида ташкил этамиз.

**В. ЛЮБИХ,**
**«Главташкентстрой»га қарашли транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари.**

## СОНИ ЭМАС, СИФАТИ КЕРАК

Бундан бир йил муқаддам совхоз партия комитети секретарлигига сайланган эдим. Партия комитети составида бир қатор ўзгаришлар бўлди. Янги сайланган партком аъзолари ўз ишларини КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар. Хўжалик ва партиявий ишларни қайта қуриш ҳаммамизнинг диққат марказимизда турибди.

Қайта қуриш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, комсомол ташкилоти фаолияти шу куннинг талабларидан анча орқада қолган экан. Аслида бошланғич комсомол ташкилоти ҳар бир йигит-қиз учун тарбия ва активлик, социалистик демократия ва коллективизм мактаби бўлиши лозим. Афсуски, комсомолнинг обрў-эътибори анча тушиб кетган экан. Комсомол йиғилишлари ўз вақтида ўтказилмас, қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан назорат қилинмасди. Умуман ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги активлиги сезилмасди. Бу аҳволда комсомол ташкилотининг жанговарлигини ошириш амри маҳол эди. Шу каби камчиликлар партия комитетини ўйлантириб қўйди.

Партия ташкилоти йиғилишларидан бирида биз комсомол комитети секретари Д. Бўсинованинг ҳисоботини тинглашга қарор қилдик. Шунда комсомол ишидаги камчиликлар яна ҳам аниқроқ кўринди. Секретарнинг ўзи қайта қуришдаги вазифаларни яхши тасаввур эта олмасди. Илгариги раҳбарлар комсомол ташкилоти секретарини пиллачилик ёки чорвачиликка масъул қилиб қўйиш билан чегараланишган экан. Комсомол турмуши, ёшларнинг ҳаёти, истак-орзулари, ташвиш ва қувончлари уларга бегона эди. Кенг комсомол активи билан яккама-якка суҳбатлар ўтказганимизда кўпчилик худди шу фикрни билдирди. Маълум тайёргарликдан сўнг комсомол ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди. Ёшлар марказий устахона инженери, КПСС аъзолигига кандидат, актив жамоатчи Шуҳрат Тошматовни комсомол комитети секретарлигига сайлашди. Янги составга ишлаб чиқаришда илғор, ташкилотчи чорвадорлардан А. Матаев, ишчилардан И. Мусурмонов, Ш. Дўстматова, идора ходими Б. Давидова ва бошқалар киритилди. Шундан кейин ишлар жонланиб кетди.

Партия ташкилоти ёшларга йўл-йўриқлар бериб борди. Хўжалик ва жамоат ишларида қайта қуриш сезила бошланди. Лекция ва суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, уч авлод учрашувлари уюштириладиган бўлди. Айниқса «Қайта қуриш ва жадаллаштириш —сизнинг ҳаётингизда», «Тўйлар ҳақида фикрлар», «Ёшлар ва дин», «Дин ва ҳозирги замон» мавзуидаги тадбирлар кўпчиликда жуда катта қизиқиш уйғотди.

Комсомол ташкилоти фақат тадбирларни ўтказиш билан қаноатланмай, билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиб уларни ҳаётда қўллашга ҳам интиляпти. Эндиликда тўйларни ихчам, кам харж, уюшқоқлик билан ўтказишда тузук натижаларга эришиляпти. Очиғини айтганда биз томонларда никоҳ тўйидан олдин фотиҳа тўйи ўтказилиб мол. қўй сўйиларди. Сўнг куёв томондан тўш қайтариларди. Тўш қайтариш, тўққиз-тўққиз, қиз яшириш каби одатлар йўқ қилинди. Илгари тўйларда 8—9 минг сўм қалин пули бериларди. Бу эскилик сарқити ҳам йўқолди. Ёшларимиз ўз тажрибаларини «Совет Ўзбекистони» газетаси орқали ўртоқлашдилар.

Комсомол комитети бошқош бўлгач физкультура ишлари жонланди. Футбол секциясида қўшимча группалар ташкил этилди. Волейбол, енгил атлетика, баскетбол, миллий кураш, теннис, шахмат-шашка секциялари очилди. Футболчиларимиз область биринчилигида қатнашишаяпти. 29 мартда машҳур пахтакор Валлами Тўхтабоев хотирасига бағишлаб футбол мусобақаси ўтказилди. Ҳар шанба, якшанба кунлари стадионда турли спорт ўйинлари уюштирилаяпти. Спорт турлари бўйича бўлимлар ўртасида мусобақалар ташкил қилинмоқда.

Ўтган йили илғор ёшлардан 7 нафари, бу йил эса 4 нафари партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Ёшлардан иборат учта комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этилди. Бу тадбир йигит-қизларнинг меҳнат активлигини янада ошириш имконини берди. Ёшлар ҳиссаси билан ўтган йили пландаги 6813 ўрнига 7032 тонна «оқ олтин» етиштирдик. Дон етиштириш плани 135 процентга, картошка 125, полиз 122 процентга бажарилди. Гўшт, сут топшириш планлари ҳам ойма-ой ортиғи билан адо этиб келинмоқда.

Бу йил совхозимиз ишчилари 7100 тонналик пахта хирмони яратиш, ҳар бир соғин сигирдан пландагидан 20 килограмм кўп сут соғиб олишга аҳд қилганлар. Албатта бу марраларни эгаллашда комсомол-ёшлар муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Комсомол ташкилоти хўжалик, жамоат ишларида актив қатнашиб, ўзларини кўрсатадилар. Бунга ишончимиз комил.

**А. ТИЛОВОВ,**
**Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз партия комитетининг секретари.**

## МУҲОКАМАЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

**Коммунистлар КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорини диққат билан ўқиб чиқмоқдалар.**

**— Юқори партия органлари КПССга қабул қилишда қатъий чегаралар қўйишар эди,— деди пахта тозалаш саноати марказий илмий-текшириш институти партия ташкилотининг секретари З. Мусахўжаев.—Бу ҳол сифатга ёмон таъсир қилди, Институтимизда ҳар томонлама етук, КПСС аъзоси номини шараф билан оқлашга қодир ходимлар бор. Биз эса илғор зиёлиларни эмас, малакаси етарли бўлмаган оддий касб кишиларини қабул қилишга мажбур бўлдик.**

**Тошкентдаги 23-поликлиника врачи Н. Зафарова партияга қабул қилишда давом этиб келган нотўғри йўналишларни танқид қилди.**

**— Кейинги йилларда,— деди у,— врачлар ўрнига кўпроқ санитаркалар, регистратура ходимларини қабул қилишга мажбур бўлган эдик. Натижада пассив коммунистлар кўпайиб кетди.**

**Бошқа корхона ва муассасаларда ҳам КПСС Марказий Комитетининг қарори диққат билан ўрганилиб мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўллари изланмоқда.**

**Б. СОЛИҲОВ.**



● КОММУНИСТ Любовь Григорьевна Червоненко 27 йилдан бери «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилиб келаяпти. Шу давр мобайнида у мураббий сифатида ўнлаб ёшларга тикувчилик касбини ўргатди. Кўпгина шогирдлар ҳозирги кунда устоз билан бир сафда меҳнат қилаяпти. Суратда: мураббий коммунист Л. Г. Червоненко ўз шогирдлари Мавжуда Шодиева ва Умида Аҳмаджоноваларга маслаҳатлар бераяпти.

Е. Ботиров фотоси.

## ҒОЯВИЙ ЭЪТИҚОД

**КОММУНИСТЛАРНИ, энг аввало ёш коммунистларни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга алоҳида ғамхўрлик қилиш зарурлиги КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорида уқтириб ўтилди. Бу ишда КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатларда коммунистик эътиқодни, партия йўлини амалга оширишда актив позицияни шакллантириш, юксак маънавий фазилатларни, социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги туйғуларини тарбиялаш биринчи ўринга қўйилмоғи лозим. Партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим системасида бу соҳада кўп иш қилинаётган бўлса-да, ҳали муаммолар оз эмас. Шу муаммолар ҳақида мухбиримиз Оҳангарон район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Раҳматилла Йўлдошев билан суҳбатлашди.**

— Меҳнаткашлар оммасини партия стратегик йўлининг тўғрилигига ишонтириш, уларни бунга қизиқтириш, кадрларнинг психологиясини қайта қуриш — совет жамияти тараққиётини жадаллаштиришнинг энг муҳим шартларидандир, деб уқтирилди КПСС XXVII съездида. Бинобарин, ўқилаётган кўпсонли лекцияларимиз, шунингдек, сиёсий маориф соҳасидаги ишларимиз, олиб бораётган амалий ва назарий ўқув машғулотларимиз партия томонидан илгари сурилган ана шу вазифаларни амалга оширишга хизмат қилмоғи лозим.

Сиёсий ва иқтисодий ўқув машғулотлари, агар етарли куч-ғайрат сарфланса, сўз билан ишнинг бир-биридан ажралиб қолишига йўл қўйилмаса, бу борада кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини кўрсатди. Бу ўқув йилининг энг муҳим сабоғидир. Иккинчи сабоқ шундан иборатки, пропагандист кадрларга кўпроқ ишонч билдириш, уларнинг билими ва малакаси, тажрибаси, машғулотларни олиб бориш маҳоратига кўп нарса боғлиқ экан. Етарли тайёргарлиги бўлмаган, билими ва савияси саёз кишини пропагандист сифатида тасаввур этиш қийин, албатта.

Сиёсий ва иқтисодий ўқув машғулотлари қуруқ қироатхонликдан йироқ бўлган, хўжалик олдида турган бугунги амалий ишлар ҳамда вазифалар билан боғлаб олиб борилаётган жойларда ишлар ҳам дуруст кетяпти, сезиларли ютуқларга ҳам эришилмоқда.

Серго номли совхоз картошкачилик ва узумчилик бригадаси аъзолари ўтган йили дуруст ютуқларни қўлга киритдилар. Бригада бошлиқлари Пирназар Маназаров билан Холмат Эргашевлар коллективни ижодий меҳнатга рағбатлантира олдилар, айни вақтда совхозда партия иқтисодий ўқуви системасига янгича назар билан қаралиб, унинг конкрет ҳаёт, одамлар турмуши билан алоқасини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилинди. Натижада картошкачилик бригадаси ўтган йили 58 гектар ернинг ҳар гектаридан 150 центнердан картошка топшириб, планни 148 процент қилиб бажарди. Бу йил бригада аъзолари картошка ҳосилдорлигини 160 центнерга етказиш учун курашмоқдалар

Соҳибкорлар эришган ютуқлар янада салмоқли бўлди Ўтган йили узумчилик бригадаси аъзолари 607 тонна ўрнига 1035 тонна ҳосил етиштириб, планни 170 процент қилиб адо этдилар.

Бу муваффақиятларда бошқа омиллар қатори сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг таъсири кучли бўлмоқда. Бу йил совхозда ташкил этилган 6 та марксизм-ленинизм асослари мактабида 119 коммунист «Социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш — КПСС-нинг стратегик сиёсати» курси бўйича таълим олди. Бундан ташқари, 12 та социал-иқтисодий экономика мактабида 377 ишчи ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш бўйича пухта билимларга эга бўлди.

Ҳозир 15 агитатор, 16 сиёсий ахборотчи, 8 мураббий, «Билим» жамияти 9 аъзосининг куч-ғайрати совхозда ишлаб чиқаришни идеологик жиҳатдан таъминлашга қаратилган. П. Бекмуродов, А. Абдураззоқов, И. Алмонов каби тажрибали пропагандистлар ўзларининг даъваткор сўзлари билан кишиларга мададкор бўлмоқдалар.

«Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплекси, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ахангаранцемремонт» корхоналаридаги сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг П. Афонин, С. Д. Ан, А. А. Фокин, Г. И. Деревцев, Н. В. Примель каби жонкуярлари номларини алоҳида тилга олмоқчиман. Улар ўзларининг маҳоратлари, бой ҳаётий тажрибаси, пухта билимлари билан ўқув машғулотларига янгича руҳ бағишламоқдалар. Уларнинг наздида сиёсий ва иқтисодий ўқув одамларга хўжалик вазифаларини бажаришда ёрдам бериши, турмуш чорраҳаларида уларга мададкор бўлиши керак. Шу сабабли барча машғулотларни ҳаётга яна ҳам яқинлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш лозим.

Бу йил Эйвали темир-бетон буюмлари заводи, шаҳар умумий овқатланиш корхонаси, 3-ремонт-қурилиш бошқармаси, «Оҳангарон», Будённий номли совхозлар, шунингдек, кўпгина бошқа ташкилотлар ва мактабларда олиб борилган сиёсий ва иқтисодий ўқув машғулотлари ниҳоятда қониқарсиз ва паст савияда ўтказилди. Машғулотлар жойлардаги ҳақиқий аҳвол, конкрет шароитлар, улар олдида турган вазифалар билан узвий равишда боғланмади. Кўпчилик пропагандистларимиз эски тайёрланган лекцияларни ўқиб бериш каби қоралланган усуллардан воз кечолмадилар, кўп вақт бу иш тажрибасиз, етарли малакага эга бўлмаган кишилар қўлига топшириб қўйилди. Биз юқорида тилга олган хўжалик ва корхоналар ишидаги жиддий камчиликлар, уларнинг жуда кўп масъул топшириқларни уддалай олмаётганликлари, аҳолига кўрсатилаётган маданий-маиший хизматнинг талабга жавоб бермаётганлиги — бу жойларда олиб борилаётган ғоявий-сиёсий ишларнинг ниҳоятда бўшлигидан далолат беради.

Ҳозир ўқув якунланган бир пайтда ҳар бир пропагандистнинг иши, унинг актив ҳаётий позицияси, йўл қўйилган хато ва камчиликлар муҳокама тарозисига солиб кўрилмоқда. Чунки бу янаги ўқув йилида бу соҳада лоқайдлик ва бепарволикка йўл қўймасликнинг энг муҳим омилидир.

*80-ЙИЛЛАР КОММУНИСТЛАРИ*

## ТОКАРЬ БАЧИНСКИЙ

НОЗИК техника, станоклар яхши, лекин улар тез-тез бузилиб ҳам туради. Капролактам цехида автомат станок тўхтаб қолди. Сабабини аниқлашди — ярим миллиметр қалинликдаги тиқин синиб қолган экан. Шу детални тайёрлаш керак. Эҳтиёт қисмлар бўлганида, албатта, шу қадар нодир детални йўниб тайёрлашга эҳтиёж қолмаган бўларди. Пресслаш йўли билан ишланадиган қолип ҳам йўқ. Уни ҳам ясаш мумкин, лекин бунинг учун қанча вақт керак. Заводда эса ишчилар ишсиз қолишган. Ана шу мушкул ишни «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ремонт-механика цехининг токари Владимир Алексеевич Бачинскийга топширишди.

У ўз сафдошларини биринчи маротаба қийин аҳволдан қутқариши эмас. Бирқанча вақт заготовкани станокка гоҳ қўйиб, гоҳ олди, йўниб яна размер ўлчади. Лекин иши юришмади. Лозим размерга яқинлашиб қолганда детал синиб кетарди. Ишни яна бошқатдан бошлар, тезликни оширганда станок ҳам чуқур хўрсинаётганга ўхшаб кетарди.

— Шунча меҳнат бекор кетяпти — ачиниб гапирди ёш станокчи Сергей Аристархов. Унинг ўзи Владимир Алексеевичнинг қўлида иш ўрганган, устози ҳеч нарсада курашмай енгилмаслигини билса-да, беихтиёр юқоридаги гапни айтиб юборди. Бирнеча бор цех бошлиғи Э. Тожибоев, мастер В. Некриловлар келиб кетишди. Ниҳоят, марказлашган ремонт участкаси бошлиғи С. Титов қандайдир чизма кўтариб келди. Станокни бошқа иш учун созлашни илтимос қилди.

— Буни эртагача қўятурамиз, бекорга қийналишдан нима наф,— у шундай деб жўнаб кетди.

Дам ўтмай станокнинг бир маромдаги овози эшитила бошлади. Владимир Алексеевич бу сафар олдиндан ишлаб юрган детални ясаётган эди. Унга бу детални кўзларини юмиб ясай оладигандек туюларди. Станокни механик равишда бошқарар, хаёли эса бояги деталда. В. Бачинский қўлидаги ишни қилиб бўлганида смена охирлади. Яна ўша деталга уннай бошлади. Лекин тез орада сменадоши етиб келди. У ҳаммаёқни тозалаб станокни топширди-ю, бошқа станокка ўтиб ишлади. Бошлаган ишини охирига етказмаса уйда ҳам тинчлик топа олмаслигини биларди. Станок олдида анча уннагач, буни бошқа йўл билан ҳал қилиш керак, деган қарорга келиб уйига йўл олди. Тиқилинч автобусда бораркан, яқингинада кўрган бир кинофильми ёдига тушди. Фильмда бутун зиддият махсус штамп учун ясалиши лозим бўлган кичик бир тиқин можароси асосига қурилган эди. Тиқинга ишлов бера бошлашлари билан синиб кетарди. Шунда уни полиэтилен қопқоқ билан қопқоқлаб қўйиш фикри туғилади. Шу ерда у бажараётган иш билан қандайдир ўхшашлик бор эмасми? Ҳа, унинг детални ҳам мустаҳкам ушлаб турадиган элемент керак. Владимир Алексеевич енгил тин олди...

Владимир Алексеевичнинг отаси ҳам илгари токарь бўлиб ишлаган. Лекин бу ишга уни отаси ўргатмади. Ўқувчилик пайтлари мактабга заводдан эскигина бир токарлик станогини келтириб беришди. У станок атрофида айланиб қизиқиш билан томоша қилганини яхши эслайди. Болалар дарсдан чиқиб футбол ўйнагани чопишса. у устахонага чопарди. Володя ўша пайтлардаёқ электромоторнинг барча деталларини ясашни ўрганиб олганди. Металлни яхши тушунарди. Онаси кийимларини тозалаб улгурмасди. Бир сафар радиоприёмникни кавлаштиргани эсида. Кейин тузата олмаган, отаси қаттиқ койиганди. Мана, ҳозир радио, телевизорни ўзи ремонт қилади. Ўша пайтда кўнглига қаттиқ ботган шу воқеаларни ҳозир кулиб эслайди.

Ремонт-механика цехига 8-синфни битиргач ўзи келган. Отасини ўқишни кечки мактабда битиришга зўрға кўндирганди. Уни тажрибали токарга шогирдликка беришди. Лекин у Володяга ишончсизлик билан қаради, устозлик қила олмади. Бир куни сменага келса станок бўш турар, устози бетоб бўлиб ишга келолмай қолганди. Володя чизмани станок олдига қўйиб заготовкани олди-да, ишни бошлаб юборди. Цехда ўша пайтда дилкаш коммунист Виктор Петрович Карандашов мастерлик қиларди.

— Ие! Сен тайёр токарь экансан-ку!— койиш ўрнига уни мақтаб кетди Виктор Петрович у ясаган детални кўраркан.

Тез орада Володяга комиссия олдида имтиҳон топширишга имкон беришди. У комиссиядагиларни назарияни яхши билиши билан ҳам яхшигина ажаблантирди. Комиссия олдида шунчаки иқтидорли эмас, ўз ишига жон-дили билан берилган бола турарди. Володя ремонт-механика цехига ишга келмасидан илгариёқ токарлик ишига оид барча адабиёт ва справочникларни ўрганиб чиққанди...

Владимир Алексеевич уйи томон секин одимлаб бораркан хаёли ҳамон ўша тиқинда эди. Агар детални бирон нарса билан қисиб қўйилса-чи? Иккита кескич билан. Ахир у қайсидир бир китобда икки кескич билан ишлов бериш ҳақида ўқиган эди-ку. У эртасига кутубхонага киришга қарор қилди. Бўлди, эртага... Унинг эртасига ҳамма ишонарди. Чунки Владимир Алексеевич 20 йиллик меҳнат стажи давомида ўзини ижодкор ишчи сифатида кўрсатди. Ишлаб чиқаришга унинг бирқанча рационализаторлик таклифлари жорий қилинган.

Владимир Алексеевичнинг устоздан омади келмаган эди. Ўзи ёшларга меҳрибон мураббий бўлиб қолди. Унга ишлаб чиқаришга ўзи йўлланма берган комсомол-ёшлардан Фарид Бекиров ва Равшан Нурматовлар кўпроқ маъқул келганди. Владимир Алексеевич ёшларга касб ўргатиб тез орада мустақил ишга қўяди. Ахир ўз ҳаётидан билади— ҳар қандай ишга ҳам қўл ўрганиши керак.

У эртаси куни ишга келганида худди келишиб олгандек станок олдида бирталай ёшлар йиғилишганди.

— Владимир Алексеевич, чорасини топдингизми?— шошиб сўради Равшан.

— Шошма, Равшан, бир фикр бор. Фақат озгина каллани ишлатиш керак.

У иккита кесгич ўрнатиб станокни юргизди. Детални ясаб бўлгач размерини ўлчаркан, ўз кўзларига ишонмасди. Шу оддий деталь шунча вақтни олдими?

Ҳа, партиянинг оддий аъзоси Владимир Алексеевич Бачинский вужудга келган бундай муаммоларни коммунистчасига асосли ҳал қилишга ўрганган. Шунинг учун ҳам ўз сафдошлари ишончини қозонди. коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак номга сазовор бўлди, XI беш йиллик социалистик мусобақасининг ғолиби деб топилди. XI беш йилликда эришган меҳнат муваффақиятлари ва жамоат ишларида актив иштирок этганлиги учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

**И. ЗИМИН,**
**меҳнат ветерани.**

